

e-mail: xxi\_asr@umail.uz



22-APREL  
2021-YIL  
16 (910)

web sayt: www.21asr.uz  
@XXIasrofficial

ASR IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

9-май – Хотира ва қадрлаш кунига бағишланади



# “Одамларнинг қорни оч, лекин кўзи тўқ эди...”

**Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабани кўлга киритишда, албатта, фронт ортида матонат кўрсатган қанчадан-қанча заҳматқаш инсонларнинг ҳам машаққатли меҳнати турибди. Бугун улар халқимиз ардоғида.**

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида ўша оловли жанглarda иштирок этган биргина Файзулла бобо Нурматов ва яна 51 нафар фронт орти фахрийлари истиқомат қилади. Туман мудофаа ишлари бўлими вакиллари бу инсонлар ҳолидан мунтазам хабар олиб туради.

Муқим бобо Аҳмедов 1929 йилнинг 1 сентябрь кuni таваллуд топган. Уруш айнаи авж паллага кирган пайти қўплаб қишлоқдошлари қатори

фронт ортида матонат билан меҳнат қилган. У машъум ўтмишни ёдга олиб шундай дейди:

– Ҳамма нарса фронт учун эди. “Мен бу ишни эплотмайман, бу иш менга тўғри келмайди”, деган гапни биров эшитмасди. Ёшу қари тиним билмай ишларди. Одамларнинг қорни оч-у, кўзи тўқ эди. Ҳозир баъзи бир қорни тўқ, лекин кўзи оч кимсаларни кўрсам, ўша кунлар ёдимга келаверади.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига бу йил 76 йил тўлади. Элу юрт учун жон куйдирган инсонлар ҳаммаша юксак ҳурмат-эҳтиромда. Мардлик, жасорат ва Ватанга содиқликнинг мукофоти бу.

**Лейтенант Исломжон ҚҮЧҚОРОВ,  
“Vatanparvar”**

**УШБУ СОНДА:**

ВАЛЮТА “ҚОРА БОЗОРИ”  
ҚАЧОН ЙЎҚ БЎЛАДИ?



СИРДАРЁДА БОРИ  
БОШҚА ЖОЙДА ЙЎҚ



“МЕН НЕ ДЕЙМАН,  
ҚЎБИЗИМ НЕ ДЕЙДИ?”



**Арзон, қулай ва тезкор!**

Энди почтани кутиб ўтиришга ҳоҳлат йўқ. Нашримизнинг электрон версиясига обуна бўлинг. бунинг учун телефонингизга “Play Market” ёки “App Store” дан “XXI asr” иловасини юклаб олиб, пул ўтказсангиз kifоя.



# Жонли мулоқотлар ва амалий натижалар

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP фракцияси раҳбари Ақтам Хайтов Самарқанд вилояти туманларида ер эгалари, тадбиркорлар билан юзма-юз учрашувлар ўтказмоқда. Маҳаллий кенгашлар депутатлари, мутасаддилар, аграр соҳада иш юритувчи ташкилотлар вакиллари билан биргалликда ердан оқилона фойдаланиш бўйича тарғибот ишлари олиб бориляпти, мулкдорларга моддий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан ёрдам берилляпти.

Партия лидери мулоқотлар мобайнида шу йил 1 апрелдан кучга кирган "Деҳқон хўжалиги тўғрисида" ва "Томорқа хўжалиги тўғрисида"ги қонунларнинг мазмун-моҳияти, мазкур ҳужжатлар юзга келтирилган янги имкониятлар ҳусусида атрофлича сўз юритаётгани алоҳида эътиборга молик. Хусусан, Иштихон туманининг Бешарқ маҳалласи ва Тойлоқ тумани Таллиота маҳалласида ташкил қилинган семинарлар ана шу мавзуга бағишланди. Тадбирларда, шунингдек, томорқачиларни ташвиқлаётган

муаммоларга ечим изланди, мутасаддилар зиммасига аниқ вазифалар юкланди.

Жомбой туманидаги "Боғбон" агрокомплексиди барпо этилган "In vitro" лабораториясида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Тошкент давлат Аграр университетининг Самарқанд филиали, Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспортчилар уюшмаси ва Боғбонлар мактаби мутахассислари, шунингдек, ёш агрономлар, тажрибали боғбонлар билан

мулоқот уюштирилди. Иштирокчилар асосан кўчатлар етиштириш билан шуғулланувчи мазкур тузилма фаолияти билан яқиндан танишдилар, ўзларини қизиқтирган кўпжа саволларга мутахассислардан жавоблар олдилар.

Ақтам Хайтов қатнашчилар эътиборини 13 апрель куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бора-сида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган видеоселектор йиғилишида муҳокама қилинган масалалар, му-



тасаддиларга берилган топшириқлар, кўрилатган чора-тадбирларга қаратди.

– Йиғилишда "Ёшлар дафтари"га кирганларга уруғлик ва кўчатлар учун 2 млн. сўмгача субсидиялар ажратилиши белгиланди, – деди Спикер ўринбосари. – Фермер хўжаликлари, кластер ва сектор раҳбарлари ёшларга амалий ёрдам бериши зарурлиги таъкидланди. Барчамиз буйналишдаги ишлар-

га эътиборни кучайтиришимиз, масъулларга кўмакдош бўлишимиз лозим.

Ишчи гуруҳ аъзолари Оқдарё туманидаги "Пичоқчи ёнғоқ драеф" МЧЖ фаолиятини кўздан кечирди. Тайёр маҳсулотлар сифати юқори баҳоланди, қўшимча иш ўринлари яратиш бўйича тавсиялар берилди.

Маҳаллалардаги учрашувларда муҳтож оилаларга кўчат ва уруғликлар бепул тарқа-

тилаётгани диққатга сазовор. Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳамда O'zLiDeP томонидан "Водий тажрибасини Самарқандга кенг ёйиш" лойиҳаси доирасида бошланган ишлар ҳолати билан ҳам танишди, бу борда зарур йўл-йўриқлар берди.

Ўз мухбиримиз

Янги қарор моҳияти

Вазирлар Мақкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий механизmlарини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши муносабати билан юқоридаги савол ўртага чиққани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

## Илғор технология ўрнатиш афзалми ёки компенсация тўлаш?

Хўш, мазкур ҳужжат билан ижтимоий-иқтисодий муносабатларда нималар ўзгарапти? Айни ўзгаришлардан кимга фойдаю кимга зарар? Саноат корхоналари, ишлаб чиқариш йўналишидаги тадбиркорлик субъектлари, ўрта бизнес вакилларининг табиатга зарар келтиривчи уруғ-тўловлар миқдорини қайта кўриб чиқишдан асл муддао не? Шу пайтгача амал қилиб келатган базавий ставкалар нега ҳозирги талабларга жавоб бермай қолди?

Ижтимоий тармоқлар орқали берилатган шу каби саволларга батафсил жавоб бериш асосида бу борадаги сатъ-ҳаракатлардан қўтилиётган натижаларга ҳам тўхталамиз.

"Ифлослантирувчи тўлайди" тамойилини ҳаётга янада кенгрок жорий этиш мақсадида қабул қилинган қарорда, аввало, компенсация тўлови объекти ҳисобланадиган ва ҳисобланмайдиган фаолият турлари ажратиб кўрсатилган. Қандай ҳолларда кўпайтирилган (ё камайирилган) компенсация тўлови ундирилиши аниқлаштирилган. Шунингдек, қарор билан "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атроф табиий муҳит ифлослантирилганлиги ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация тўловларини қўллаш тартиби тўғриси-

да"ги низом ҳам тасдиқланди.

Мазкур Низом талаблари 2021 йил 15 июлдан бошлаб кучга киради.

Сув объектлари, жой рельефи ва коммунал-канализация тармоқларига ифлослантирувчи моддаларни ташлаганлик, чиқиндилар жойлаштириш учун белгиланган компенсациянинг базавий ставкалари аввалги кўрсаткичлардан деярли ўзгаришсиз қолдирилди. Асосий ўзгаришлар эса атмосфера ҳавосини ифлослантиришнинг олдини олишга қаратилгани билан долзарбдир.

Сўнгги пайтларда атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдори тобора ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунинг сабаби саноат корхоналаридаги чанг-газларни тозалаш ускуналари 10-15 йил аввал ўрнатилган бўлиб, улар эскиргани билан боғлиқ.

Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарида мавжуд чанг-газларни тутиб қолиш ускуналарининг самарадорлиги атиги 86 фоизни ташкил қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида эса атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларда самарадорлиги 99,5 фоиздан кам бўлмаган қурилмалар ўрнатилиши таъминлаш белгиланган.

Бирок атроф-муҳитга чиқаётган зарарли моддалар учун белгиланган компенсациянинг базавий ставкалари юқори бўлгани сабабли корхона ва ташкилотларнинг аксарияти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида замонавий тозалаш ускуналарини ўрнатиш ўрнига бундай зарар келтиривчи уруғ-тўловларни афзал кўраётган эди.

Соҳа мутахассислари томонидан бу

борадаги хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилганда, атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар учун белгиланган тўлов миқдори биздагига нисбатан анча юқори экани аниқланди. Мисол учун, азот диоксида бўйича 500 марта, азот оксиди бўйича 275 марта, аммиак бўйича 130 марта, темир оксиди бўйича 290 марта, олти валентли хром бўйича эса 1 700 марта кўплиги кузатилди.

Ҳозир амалда бўлган тартиб ва эндиги талабнинг аҳамиятли фарқини битта йирик корхона мисолида тушунириш ўринлидир. Масалан, олдин белгиланган базавий тарифга асосан Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатининг йиллик компенсация тўлови ўртача 313 миллион сўмни ташкил қиларди. Ҳуқумат қарори билан тасдиқланган янги ставкалар бўйича ҳисобланганда эса ушбу корхонанинг атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ташлаганлик учун бир йиллик компенсация тўлови ўртача 1 млрд. 74 млн. сўмга етиши кутилмоқда.

Атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддаларни имкон даражасида кўпроқ ушлаб қолувчи инновацион ускуналарнинг нархи эса бу миқдордан анча кам. Модомки, ишлаб чиқариш соҳасида иқтисодий жиҳатдан фойда ва зиённинг тафовутини яхши англайдиган мутасаддилар, замонавий бошқарув менежерлари компенсация тўлагандан кўра чанг-газларни тозалаш ускуналарини ўрнатиш афзаллигини дарров тушунишади. Яна бир эътиборли жиҳати, компенсация тўлови ҳар йили амалга оширилиши керак бўлса, тозаловчи ускунадан сифатига қараб, 2 йилдан 5 йилгача бемалол фойдаланиш мумкин. Қарабсизки, тежалган маблағ ҳам шу

пропорцияда кўпаяди.

Ундан ҳам муҳими, корхона ифлослантирувчи моддалар миқдорини камайитириш орқали атроф-муҳит тозаллиги, хусусан, инсон саломатлигини яхшилашга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб қолишга кўмаклашади.

Мазкур қарор билан жорий этилган янги тизим, ўз навбатида, корхона ва ташкилотлар томонидан энергия тежамкор, қайта тикланувчи ва муқобил энергия турларига ўтишни рағбатлантириш бўйича реал имкониятлар яратди, истеъмол қилинаётган ёнилғи-энергетика ресурсларини иқтисод қилишга, атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар миқдорининг сезиларли равишда камайишига улкан ҳисса бўлиб қўшилади.

Янги қарор меъёрларига асосан амалга ошириладиган вазифалар орқали қачон ва қандай натижага эришилади, деган савол туғилиши табиий. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, белгиланган чора-тадбирларни вақтида сифатли бажариш орқали 2030 йилгача атмосферага зарарли моддалар чиқарилиши 10 фоизга камайишига эришилади.

Йирик саноат корхонаси раҳбари ва унинг оиласи ҳам, турли маҳсулот ишлаб чиқарувчи тадбиркор ва унинг фарзандлари ҳам, сиз билан биз ҳам – барча-барчамиз битта ҳаводан нафас оламиз. Демак, атмосфера ифлосланмаслигидан каттаю кичик бирдек манфаатдор. Қайси соҳада фаолият юритиш, қандай бизнесда даромад топишдан қатъи назар, тоза ҳавоси ҳаёт йўқлигини унутмайлик.

Озод РАЖАБОВ,  
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси матбуот хизмати раҳбари

# Тадбиркорлик кодекси лойиҳаси: асосли ва жўяли таклифлар инобатга олинса...

**Тадбиркорлик кодексини ишлаб чиқиш масаласи ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар диққат марказида турибди.**

Ўзбекистон тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили O'zLiDeP билан ҳамкорликда мазкур кодекс тайёрланишига бағишланган туркум мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказилди. Навбатдаги ана шундай тадбирда Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа ўнга яқин ташкилотлар вакиллари, шунингдек, депутатлар, тадбиркорлар, фермерлар қатнашди.

Йирилганлар янги кодекс лойиҳаси концепцияси юзасидан фикр алмашдилар, таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси Адҳам Назирқулов** хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши механизми ва йўналишлари такомиллашган тарзда кодексда акс этиши зарурлиги хусусида сўз юритди.

**Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори Омонбой Оқюловнинг фикрича**, кодексда тадбиркорликка доимий даромад олишга қаратилган фаолият тури мазмунида таъриф бермаслик керак.



ган фаолият легал тадбиркорлик тушунчасига асос сифатида олинган. Бироқ легал тадбиркорлик тушунчасини бу белги асосида шакллантириш расмий ва яширин иқтисодий ёрналиш бир-биридан фарқлашни ўта қийинлаштиради. Шу боис кодексда легал тадбиркорлик тушунчасининг амалдаги конструкциясини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ.

**Бизнес-омбудсман масъул ходими Жамшид Ҳасанов** тадбиркорлик фаолияти эркинлигини кафолатлаш тамойилидан келиб чиқиб, соҳага оид қонунчиликда ихтилофлар вужудга келганда тадбиркор манфаатини ҳимоялаш устуворлиги ҳамда қонунчиликдаги зиддиятлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига ҳал қилинишини белгилаб қўйиш ҳам хусусий сектор ривожига хизмат қилишини таъкидлади.

**Савдо-саноат палатаси ходими Нафиса Шаропова** ҳужжат лойиҳасидан қуйидаги

Тадбиркорларнинг кодекс қандай мазмун касб этиши кераклиги тўғрисидаги мулоҳазаларини билиш ҳам жуда муҳим, албатта. Зеро, улар қийинчиликларга, муаммоларга бевосита дуч келяптилар, тегишли жараёнлар ичида-дирлар. Бинобарин, давра суҳбати иштирокчилари хусусий сектор вакилларининг чиқишларини алоҳида эътибор билан тингладилар.

– Тадбиркорлик субъекти фаолиятини тугатиш жараёнини соддалаштириш, енгиллаштириш, электрон шаклга ўтказиш катта заруратга айланган, – деди **“Isocom” МЧЖ шаклидаги қўшма корхона директори, депутат Умид Худайбергенов**. – Чунки корхона тугатишнинг овозгарчилиги кўп, шунингдек, бу жараён ҳаддан зиёд чўзилиб кетяпти. Оқибатда корхона амалда фаолият юритмаётган бўлса-да, солиқлар ва бошқа тўловларни тўлашга, тегишли ҳисоботларни тақдим қилишга мажбур бўляпти. Яна бир таклиф: асосий савдо ҳамкорларимиз Россия, Қозғистон, Хитой ва бошқа давлатлар валюталарининг сўмга тўғридан-тўғри конвертация қилиниши йўлга қўйилиши айна мудоаодир.

Суд идораларининг тадбиркорлик субъектлари даъво аризалари бўйича чиқарган қарор (ажрим)лари ижро этилишида сансоларлик, ишни пайсалга солиш кузатиляпти. Бундан тадбиркорлар манфаатига зиён етяпти. Демак, суд қарорлари бажарилиши тизими такомиллаштириш масаласи кун тартибига чиқмоқда. Кодексда мазкур муаммо ўз ечимини топиши даркор. Бундан ташқари, тадбиркорлар фаолиятида юзга келаётган молиявий-хўжалик масалалари бўйича даъво ва мулкий низоларни яхлит тарзда кўриб чиқадиган ягона суд тизимини ташкил қилинишига эҳтиёж бор. Негаки, амалда кўп ишбилармонлар фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судлар, шунингдек, бошқа идоралар ўртасида сарсон бўлиб, бюро-

кратик тўсиқларга учраяпти. **“Poluga plastik” хусусий корхонаси раҳбари Хусниддин Раҳмонов ҳам ана шундай таклифларни илгари сурди.**

**“Маърифхон ҳосил барака” МЧЖ директори Улугбек Юсуповнинг айтишича**, кодексда тадбиркорлик субъектларидан маҳаллий ҳокимлик қарорлари билан олиб қўйилган мулк (бино, ер майдони ва бошқалар) учун компенсация



тўланишининг аниқ механизми ва муддати белгилаб қўйилиши давр талабидир. Шунингдек, аксарият тадбиркорлар банк хизматларига оид низолар ечимини топиш юзасидан ёрдам сўраб мурожаат қилганда Савдо-саноат палатасининг банклар манфаатини ҳимоялашга мойиллиги кузатиляпти. Бунинг олдини олиш учун тижорат банклари ҳамда кичик ва ўрта хусусий бизнес субъектлари билан ишлайдиган суғурта, лизинг компаниялари ва бошқа юридик шахсларнинг республика Савдо-саноат палатасига аъзо бўлиш тартибини қайтадан кўриб чиқиш керак.

**Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари** ҳам иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Уларнинг нуқтаи назарига кўра, қуйидаги меъёрлар, қоидалар ҳам лойиҳага киритилиши керак: тадбиркорлик

этикаси, коррупцияга қарши курашиш, ишбилармонларнинг бизнес-режа ва шартномалар тузиш, солиқлар, маркетинг, банк хизматлари ва бошқалар бўйича билимларини оширишга йўналтирилган тавсиялар.

Шундай ҳолатлар ҳам кузатиляпти, гарчи бирор вазирлик ёки қўмита тадбиркорлар мурожаатларидан келиб чиқиб, қандайдир фаолиятга (қурилиш, савдо, ресурслардан фойдаланиш ва ҳ.к.) расман рухсат берган бўлса-да, уларнинг қуйи бўғинлари турли ваз-қорсонлари рўқач қилиб, кўрсатма, фармойишларни бажармаяпти. Шу сабабли юқори идораларнинг қонуний топшириқлари тўғридан-тўғри кучга эгалиги ва ҳудудий, маҳаллий бўлинмалар томонидан сўзсиз ижро этилиши шартлиги ҳақидаги нормаларни жорий қилиш тақозо этиляпти. Шу билан бирга буйруқлар, кўрсатмаларни ижро этмаганлиги учун қуйи ташкилотлар жавобгарлигини ҳамда юқори турувчи тузилмаларнинг ўзлари чиқарган



– Легал тадбиркорликнинг антиподи яширин иқтисодий ҳисобланади, – деди О. Оқюлов. – Яширин иқтисодий субъектлари давлат рўйхатидан ўтмайди, молия-бухгалтерия ҳужжатларини юритмайди, солиқларни тўламайди, лекин мамлакатдаги жамий иқтисодий-ижтимоий ресурслардан тўлақонли фойдаланиши, нормал пул муомаласини издан чиқаради, коррупция ва суиистеъмолликлар учун шарт-шароит яратаяди. Базий давлатларда мунтазам даромад олишга йўналтирил-

масалалар ҳам ўрин олиши ва муфассал баён қилиниши лозимлиги хусусида сўз юритди: давлат ва тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асослари, тадбиркорларнинг қонун ижодкорлиги фаолиятидаги иштироки, тадбиркорликнинг давлат томонидан тартибга солиниши ва унинг шакллари, рақобатнинг таъминланиши, тадбиркорлик субъектлари фиришмалари ва уларнинг фаолияти, хусусан, Савдо-саноат палатасининг ҳуқуқий мақоми ҳамда унинг мақсад ва вазифалари.

ҳужжатлар ижроси устидан назоратни таъминловчи нормаларни ҳам белгилаш лозим.

Давра суҳбатида, шунингдек, **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва бошқа бир қанча ташкилотлар вакиллари** ҳам асосли, ҳаётий таклифларни ўртага ташладилар.

Фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, қонун ижодкорларига ҳавола қилинди.

**Ақром АЛИМОВ,**  
Ўзбекистон Тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари

**Абдураҳим МАМАЖОНОВ,**  
марказ эксперти

**Суратларни**  
**Шухрат РАҲИМОВ** олган.

# ВАЛЮТА “ҚОРА БОЗОРИ”



## Савол жиддий, жавоб-чи?

Халқимиз ёмон, номақбул ҳолатлар, нарсаларни “қора” сўзи билан ҳам ифодалайди: “қора ният”, “қора кун”, “қора рўйхат”, “қора курси” ва ҳоказо. Таасуфки, юртимизда, гарчи илгаригидай “гуриллаб” турмаса-да, ҳамон валюта “қора бозори” мавжудлигини ҳеч ким инкор қилолмайди. Айтилик, аксар бозорлар, умуман, гавжум жойларда “доллар, танга, рубль, тилла оламин” деган чорловлар бот-бот эшитилляпти. Ўз уйда фақат ўз “мижоз”лари билан олди-берди қилаётганлар ҳам бор. Бунинг сабаблари хусусида сўз юритишдан аввал, мазкур жабҳада амалга оширилган, ҳаммамизни қувонтирган улкан ижобий ўзгаришлар хусусида қисқача тўхталмоқ жоиз.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 2 сентябрдаги тегишли фармони билан валюта бозори эркинлаштирилди, унинг фаолиятига маъмурий тарзда аралашувларга чек қўйилди. Мана, қарийб тўрт йилдирки, хорижий валютанинг баҳоси талаб ва таклифдан келиб чиқилган ҳолда валюта биржаси савдоларида аниқланмоқда. Корхоналар, фуқаролар чет эл валютасини банклардан эркин, чекловларсиз сотиб оляпти. Валютани сотиб олиш ва сотишда ҳам барча тенг бўлди. Ҳозирда тадбиркорларимиз валюта маблағларини тўлиқ тасарруф этяпти, аввалгидек валюта тушумларининг бир қисмини сотишга мажбур эмас. Фуқароларимиз банк пластик карточкаларидаги маблағларига ҳам истаган вақт ва жойда хорижий валютани сотиб олишлари

мумкин. Ҳўжалик субъектлари учун бозор баҳосида хорижий валютани сотиб олиш имкониятининг яратилиши туфайли “яширин иқтисодиёт” қисқарди, шунинг баробарида пул маблағлари банк айланмасига жалб қилинди. Банк пластик карточкаларидаги маблағларни нақд пулга айлантириш масаласи ҳам кўп йиллар юртдошларимизни қийнади, уларнинг харид қобилиятига салбий таъсир қилди. Эндликда бу муаммо ҳам буткул барҳам топди. Хуллас, республикамиз валюта сибсатида амалга оширилган ислохот жуда тез натижа берди. Яқин беш-олти йил бурун тасаввуримизга ҳам сиғмаган тарихий ўзгаришларни барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

Шундай бўлса-да, нега “қора бозор”даги валютафурушлар йўқолмаяпти, деган савол кўпчиллини ўйлантираётгани рост. Уларнинг “хизмат”идан айрим тадбиркорлар ва юртдошларимиз мунтазам фойдаланяпти. Бунинг сабаби нимада? Билим ва кузатувларимиз, ўрганишларимизга таяниб, ана шу жиддий саволга имкон қадар жавоб излашга ҳаракат қиламиз.

## Токи “яширин иқтисодиёт” бор экан...

Мамлакатимизда валюта “қора бозори” ҳали-ҳануз фаолият юритаётганлигининг асосий сабаблардан бири мамлакатимизда “яширин иқтисодиёт”, бошқача айтганда, “қора иқтисодиёт”нинг мавжудлигидир. Ва буни тегишли соҳалар масъуллари ҳам тан оляпти. Икки йил муқаддам бўлиб ўтган бир нуфузли анжуманда

юқори идора вакили республикамизда “норасмий иқтисодиёт”нинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши қарийб 50 фоизни ташкил этишини очиқ-ойдин айтди. Хорижий экспертлар ҳам шундай фикрда. 2018 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожланиш дастури лойиҳаси доирасида ўтказилган тадқиқотга кўра, мамлакатимиздаги жами товарлар айланмаси, кўрсатилётган хизматларнинг 40-45 фоизи нолегал субъектлар, ноқонуний ишлаётган тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келади.

“Хуфёна иқтисодиёт”да ишлайдиган тадбиркорлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қочиб мақсадида давлат рўйхатидан ўтмайдилар, ўтган тақдирда ҳам белгиланган солиқлар ва мажбурий тўловларни тўламайдилар. Улар сирасига норасмий хизмат кўрсатадиган киракаш таксичилар-у тижоратчилар, озиқ-овқат, кийим-кечак, саноат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар, товарларни хориждан пинҳоний йўсинда импорт қиладиганлар киради. Бу тоифа вакиллари ҳисоб-китобларни асосан нақд пулда амалга оширадилар. Пул айланмаси банкдан ташқарида бўлади, улар йирик миқдордаги тўловларни амалга оширишда тўлов воситаси сифатида кўпинча хорижий валютадан фойдаланади ва уни “қора бозор”дан сотиб оладилар.

Масалан, нолегал ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотларини чакана савдо қилувчи тадбиркорларга реализация қилингандан кейин ҳисоблашиш шarti билан насияга беради. Ишлаб чиқарувчи маҳсулотлар учун тўловларни долларда белгилаб қўяди ва кейинроқ шу валютада тўлатиб олади. Чунки у миллий валюта курси пасайиши оқибатида зиён кўриш-

дан чўчийди. Шунингдек, яна бир талай тадбиркорлар хориждан товарларни норасмий равишда импорт қиладилар. Хорижий валютани эса “қора бозор”дан сотиб оладилар (тегишли назорат борлиги боисидан банкларга мурожаат қилолмайдилар). Демак, “қора бозор” илдиэлари “қора иқтисодиёт”дан ҳам озиқ олади. Юртимиз янада ўсиши, ривожланиши учун “яширин иқтисодиёт” салмоғини кескин камайтириш керак. Мутахассисларнинг қатъий фикрича, расман фаолият юритиш норасмийсига нисбатан ҳар жиҳатдан фойдалироқ бўлган тақдирдагина тадбиркорлар хуфёна иш олиб боришдан воз кечадилар. Бинобарин, ишбилармонларга расмий иқтисодиётда қулай шарт-шароит яратиш, хусусан, кам харажат қилиб, кўп даромад олишлари учун кенг йўл очиб бериш лозим.

## Нега мулкимизни долларда сотишни истаймиз?

Республикамизда барча савдо-сотиқ фақат сўмда амалга оширилиши шартлиги тўғрисидаги қонун-қоидалар чиқарилган. Аммо катта миқдордаги кўпгина савдолар ҳамон хорижий валютада амалга оширилатгани ҳақиқат. Автомобиллар, мураккаб, йирик дастгоҳлар ва ускуналар, уй-жойлар ҳамда бошқа мулклар катта шаҳарларимизда асосан АҚШ долларига сотилмоқда. Ўз навбатида, бунинг ҳам сабаблари бор. Биринчидан, АҚШ доллариди ҳисоб-китоб қилиш қулай. Масалан, 10 минг АҚШ доллари юзталик купюраларда 1 пачка бўлади. 105 млн. сўм эса 10,5 пачкадан иборат. Иккинчидан, сўмнинг девальвация даражаси нисбатан юқори. Мисол учун, 2020 йил давомида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси 10,2 фоизга қадрсизланган. Аксар ҳамюртларимиз мол-мулкларини фақат долларга сотишни исташлари ҳам шунданлиги аниқ. Чунки миллий валютанинг тез қадрсизланиши натижасида зиён кўрадилар. Хулоса шуки, мамлакатимизда валюта “қора бозори”ни тугатиш учун бошқа ишлар қаторида сўмнинг қадрсизланиши даражасини кескин пасайтириш лозим. Бунга эриша олсак, одамларнинг миллий валютага нисбатан ишончи ошади, йирик харидларни ҳам, жамғаришни ҳам сўмда амалга оширади.

Шу билан бирга юртимизда

# ҚАЧОН ЙЎҚ БЎЛАДИ?

инфляция даражаси нисбатан юқорилиги шароитида (2020 йилда 11,1 фоизи ташкил этган) йўқотишларни камайтириш мақсадида аҳоли сўмдаги жамғармаларини хорижий валютага ўтказишга интилади. Уларнинг бир қисми шу мақсадда “қора бозор”га боради ва унинг яшашига имкон яратади. Аён бўляптики, иқтисодийтимизни соғломлаштириш учун инфляция даражасини пасайтириш лозим. Шундагина аҳоли маблағларини сўмда жамғаради ва банкларда сўмдаги омонатлар ҳажми ошади. Президентимиз Марказий банк зиммасига 2021 йилда инфляция даражасини 5 фоизга тушириш вазифасини юклагани ҳам бунинг нечоғли муҳимлигидан далолат берапти.

## Шохобчалар валютафурушлардан ўзиши керак!

“Қора бозор”нинг “барҳаётлиги”га яна бир сабаб валюта алмаштириш шохобчаларининг етарли эмаслигидир. Бундай нуқталар фақатгина банклар,

римиз қулайликка ўрганган, янада қулайликни хоҳламоқда. Олайлик, агар дўкон иккинчи қаватда бўлса, чиқишга эринади. Валюта шохобчалари жойлашувига назар солсак, ҳаммаси ҳам қулай жойлашмаганига гувоҳ бўламиз. “Қора бозор”даги валютафурушлар эса одамлар учун қулай жойда ва вақтда хизмат кўрсатишга тайёр. Кўпларида “уйга етказиб бериш” хизмати ҳам бор. Шохобчаларнинг валютафурушлардан қулайлик, тезлик, хизмат сифати бўйича ўзиб кетиши айни мудоаодир.


## Маржа ва хусусий банклар камлиги ҳам муаммо туғдирмоқда

Тижорат банкларимизда хорижий валюталарни сотиб олиш ва сотиш ўртасидаги фарқ, яъни маржа юқори, шунингдек, эгилувчан – ўзгарувчан эмас. Масалан, шу кунларда бир қанча банклар АҚШ долларини 10 минг 490 сўмдан сотиб олиб, 10570

жорат банклари “қора бозор”га – фирром рақобатчиларига зарба бериш учун янада кичикроқ маржани қўллашлари лозим. Зеро, ҳар қандай киши қимматроқ сотишни ёки арзонроқ олишни истайди.

Тижорат банклари валюта айирбошлашда маржани камайтирса, валютафурушлар ҳам ўз “ставка”ларини янада пасайтириши жуда мушкул – фойда ҳаминқадар бўлиб қолади. Бундай вазиятда валютафурушлар “қора бозор”ни тарк этиб, ўз сармояларини даромадлроқ соҳаларга йўналтирадилар.

Ҳозир молия муассасалари 1 доллардан ўртача 80 сўм даромад қилмоқда. Валюта айирбошлаш амалиёти банклар учун яхши даромад манбаига айланди. Лекин молиявий хизматлар бозорининг ушбу сегментида давлат банклари етарли даражада фаол эмаслигини афсус билан қайд этиш зарур. Хусусий тижорат банклари эса бу йўналишда қизгин фаолият юритяпти. Бироқ мамлакатимиз банк секторида хусусий банкларнинг улуши кам. Қуйидаги маълумот



меҳмонхоналар, аэропортлар, вокзаллар, йирик савдо марказлари, қисқаси, видеокузатув олиб борилаётган ҳудудларда жойлашган. Қолаверса, кўпгина шохобчаларнинг ишлаш вақти чегараланган, фақатгина аэропорт, банклар ҳамда айрим меҳмонхоналарда 24/7 режимида хизмат кўрсатади. Унутмаслик керакки, фуқароларимизнинг кўпчилиги жамғармасини долларда сақлайди, харид қилиш зарурати туғилганда пулни ҳеч бир қийинчиликсиз алмаштири олишлари керак. Акс ҳолда талай одамлар туну кун ҳозир нозир бўлган валютафурушлар хизматидан фойдаланаверади.

Яна бир жиҳат: замондошла-

сўмга сотяпти. Ўртадаги маржа 80 сўмни ташкил қилмоқда. Банк 100 ёки 10 минг АҚШ доллари сотиб олса ёки шунча миқдорда валюта сотса ҳам, мазкур курс ўзгармайди. “Қора бозор”даги валютафурушлар эса камроқ маржада ҳам савдо қилаверади. Масалан, АҚШ долларини 10 минг 490 сўмдан сотиб олиб, 10 минг 540 сўмга ҳам сотаверади, яъни маржа 50 сўмга тенг. Мижоз қанчалик кўп валюта сотиб олса, устамани шунчалик камайтиради. Бошқача айтганда, уларнинг маржаси эгилувчан, ўзгарувчандир. Негаки, маржа кам бўлса-да, валюта айланмаси ҳажми ошиши ҳисобига кўпроқ даромад олишади. Демак, ти-

ларга диққат қаратайлик: 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига банк сектори активларининг 84,9 фоизи, кредитларининг 88,3 фоизи, депозитларининг 71,9 фоизи ва капиталининг 84,0 фоизи давлат улуши мавжуд банклар ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу ҳолат ҳам валюта “қора бозор”и сақланиб қолишига қандайдир даражада хизмат қилади. Чунки банклар валюта бозориди фаол бўлмаган тақдирда валютафурушлар бизнесининг мазкур сегментини эгаллашга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам давлат улушига эга банкларни хусусийлаштириш, уларни тажрибали инвесторларга сотиш мақсадга мувофиқ. Бундай ўзгаришлар “қора бозор” пайини қирқади.

## Яширин ирмоқлар яширин дарёни ҳосил қилади

Коррупция ҳам “қора бозор” тегиригига сув қуйяпти. Масалан, бирор амалдор пора эвазига ишбилармонга қандайдир имтиёзлар беради. Олди-берди “анъана”га биноан хорижий валютада амалга оширилади, чунки ҳеч ким сумка-сумка сўм кўтариб юрмайди. Турган гапки, бундай ишлар учун валюта “қора бозор”дан сотиб олинади. Ими-жимиди иш қилувчилар банк камераларига тушишни, паспорти маълумотлари қайд этилишини истамайди, албатта. Коррупциянинг кўплаб кўринишларида шундай молиявий схема ишлайди ва “ирмоқлар кўшилиб дарё бўлади” – катта ҳажмдаги хорижий валютанинг норасмий оқими вужудга келади. Хуллас, коррупция ҳам “қора бозор” сақланиб қолишига “ҳисса” кўшяпти. Президентимиз Олий Мажлисга 2020 йил 29 декабрдаги Мурожаатномасида коррупциянинг ҳар қандай кўринишига муросасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт, дея таъкидлагани бежиз эмас.

## Чўнтагини ўйлаган чўпчакка ишонмайди

Аҳолининг молиявий саводхонлиги даражаси ҳам “қора бозор” барҳам топиши ё топмаслигида муайян роль ўйнайди. Ҳалигача кўпчилик банкларнинг мобил иловаларидан фойдаланган ҳолда пластик карточкаларидаги маблағларини хорижий валютага айирбошлашни билмайди. Ёки валюталарни алмаштириб берувчи банкоматларидан фойдаланолмайди, ҳатто, бундай қурilmалар борлигидан хабарсиз. Замонга ҳамқадам бўлолмаган одамлар “қора бозор”даги валютафурушлар мижозларига айланиши табиий ҳол. Фикримизча, аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишда Марказий банк билан биргаликда тижорат банклари ҳам жонбозлик кўрсатиши зарур. Шу тариқа банклар нафақат валюта айирбошлаш амалиёти, балки бошқа йўналишдаги бизнеслари учун ҳам янги мижозлар қатламини шакллантирадилар, даромад олиш имкониятини кенгайтирадилар.

**Фозил ДОДИЕВ,**  
иқтисод фанлари номзоди,  
Тошкент шаҳридаги  
Ёджу техника  
институтини доценти

# ЖАНУБДА НИМА ГАПЛАР?

**Сайловларда ўз элдошларига қоп-қоп ваъдалар берган ва депутатлик курсисидида ўтирган номзодлар бугун халққа нечоғли яқин? Улар ҳақиқатан ҳам ноиб деган мақомга муносибми? Ҳол-аҳвол сўраб, бирор корига яраятими?**

## Устоз-шогирд мана бундай бўлади!

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Актам Хайтов, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, O'zLiDeP вилоят ва туман Кенгаши раҳбарлари Музработ тумани Орият маҳалласида фаолият олиб бораётган ҳунарманд-тадбиркор Наима Юнусованинг фаолияти билан яқиндан танишишди.

Айтиш жоизки, тадбиркор маҳаллада бўш турган объектни ноъл қийматда тасарруфига олиб, 60 миллион сўмлик банк кредити эвазига тикув цехи ташкил қилди. Бу ишда шу маҳалладан сайланган туман кенгаши депутати А. Муҳаммадиевнинг кўмаги анча катта бўлди.

Мазкур тикув цехида 2019 йил партиясининг бошланғич ташкилоти ташкил этилган эди. Ҳозирги кунда унинг 16 нафар аъзоси бор.

Корхонасида аёллар ва болалар кийим-кечагини ишлаб чиқараётган Наимахон аввалига 6 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаганди. 100 дан ортик шогирдга ҳунар ўргатди. Қолаверса, уларнинг мустақил равишда фаолият бошлаб олишлари учун ҳам амалий ёрдами аямади. Мана, шогирди Гулноза Нейматова устоз-шогирд йўналиши бўйича ўқув курси ташкил қилиб, маҳалладаги 9 нафар хотин-қизни ўқитмоқда.



Сурайё Файзуллаевага ҳам "Халқ банки"дан 30 миллион сўм кредит олишда кўмаклашди. Оилавий корхона очишига ёрдам берди. Яна бир шогирди Зулайхо Исломова ҳам шу банкдан 10 миллион сўм кредит олди. Ҳужжатларни жамлаш, тикув машиналари харид қилишда ҳам устози ёнма-ён юрди, йўл-йўриқ кўрсатди.

Бугунги кунда туман Бандликка

кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда "Темир дафтар" ва "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларни доимий иш билан таъминлаш мақсадида ўқув курслари ташкил қилиб, тикувчилик сирларидан сабоқ бермоқда. Келгусида тажрибасини оммалаштириш орқали ўз бизнесини бошламоқчи бўлганларни жалб этиш бўйича керакли тавсиялар берилди.

## Сармоя қанот деганидир

Ангор туманидаги "Баркамол авлод" болалар ижодиёт марказида O'zLiDeP бошланғич партия ташкилоти ташкил топганига 6 йил бўлди. Ушбу ташкилот ходимларининг 85 фоизи партиямиз аъзоси. Партия сайловли дастурида белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида ҳам ушбу бўғиннинг ҳиссаси беқиёс. Мазкур ташкилотга бирик-

тирилган Халқ депутатлари Ангор туман Кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Дилафруз Хўжанова билан ҳамкорликда 2 нафар хотин-қизга тикувчилик фаолияти билан шуғулланишига кўмаклашилди. Улар "Халқ банки"дан 30 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, ҳозирда даромад қилишмоқда.



**Ботир МАРДАЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

"Обод маҳалла" дастури доирасида янгилаш ва ободонлаштириш учун Термиз шаҳридаги Гулистон ҳамда Шифокор маҳаллалари танланган. Ушбу маҳаллаларда хонадонлар – 1 910 та, аҳоли – 12,5 минг нафар. "Темир дафтар"га 74 та оила, "Аёллар дафтари"га 268 нафар аёл ва "Ёшлар дафтари"га эса 225 нафар ёш киритилган. Жорий йилда 94 млрд. сўм маблағ ҳисобидан иккала ҳудуд обод масканларга айлантрилиши лозим.

Жараён билан танишиш мақсадида Шаҳло Нарзиқулова раислик қилаётган Шифокор маҳалласидаги ободонлаштириш ишларини кўздан кечирдик. Айни пайтда маҳалла биноси янгидан таъмирдан чиқарилган. "Аёллар дафтари"даги 91 нафар аёлнинг 6 нафари тикув машинали, 3 нафари электр печли бўлган. Яна 19 нафар фуқарога уй-жой олиш учун субсидия ажартилади. 22 нафар ёш касб-ҳунарга ўқитилмоқда. Ҳадемай уларга ҳам ўз тадбиркорлигини йўлга қўйиш учун имтиёзли кредитлар берилди.

Бундан ташқари, маҳаллада 3,5 км ички йўллар таъмирланади. Камолидин Бехзод кўчасидаги сув чиқмайдиган

## "Канализациясиз кўп қаватли уйларда яшаётган аҳолига ачиндим"

125-кўп қаватли уйнинг 2-қаватида сув чиқарилади. Яна маҳалла номига муносиб равишда иккита хусусий клиника куриляпти. Битта хусусий боғча яқинда ишга тушган. Унда 10 нафар кам таъминланган оила фарзандлари учун имтиёз берилган.

Асфальт қилинадиган ички кўчаларни кўздан кечирганимизда айримла-

кечакётгани учун ёрдам сўради. Ушбу мурожаат назоратга олинди.

Маҳалла раиси фуқаролар учун телеграм канали ҳам очгани, аҳоли ўз муаммолари юзасидан тўғридан-тўғри мурожаат қилаётганига гувоҳ бўлдик. Ишнинг кўзини билган раис ўша хонадон ёки кўчадаги муаммони тезлик билан ҳал этишга киришади. Бу таж-

хона санитария-гигиена талабларига мутлақо жавоб бермайди. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нега кўп қаватли уйнинг ҳожатхонаси ҳовлида жойлашган? Ушбу саволга жавоб излаганимизда уйнинг канализацияга уланмагани маълум бўлди (!). Фақатгина атрофи оқлаб қўйилган ушбу ҳожатхонадан бу ерда яшовчи кексалар, хотин-қизлар ва ёш болалар учун кеч тушгандан кейин фойдаланиш жуда хавфли. Кўл ювиш учун шароит яратилмаган, ҳатто, эшиклар ҳам йўқ.

Бундан ташқари, ушбу маҳалладаги Беруний кўчаси 2<sup>а</sup>-уй ва "Машхура" клиникаси орқа томонида жойлашган маиший чиқиндихона ҳам қаровсиз, антисанитар ҳолатда турибди. Ён девори бузилган, турли томёпгичлар ёпилган, атрофга бадбўй ҳид таралиб, ёнидаги кўча юзи чиқинди сувидан қорайиб кетган. Ушбу чиқиндихонани таъмирлаш, қутиларини янгилаш, атрофини ободонлаштириш, санитария-гигиена талабига мувофиқлаштириш ҳамда атрофдаги аҳолининг масъулиятини ошириш зарур. Шаҳар марказий ҳудудидаги бау каби кичик бўлса ҳам, аҳамияти юқори бўлган муаммоларни зудлик билан бартараф этиш лозим.

Ўйлаймизки, ушбу камчиликлар тез фурсатда бартараф этилади.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**  
"XXI asr" мухбири

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**  
O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот хизмати ходими



рида кўчанинг икки четида ҳам аҳоли уйлари жойлашгани боис, қор, ёмғир сувлари чиқиб кетадиган ариқча йўқлиги маълум бўлди. Уйларнинг тоmidан тушадиган ёмғир суви учун ҳам тарновлар қилиниши керак. Йўқса, тўшаладиган асфальт узокча бормайди. Бу албатта, мутасаддилар эътиборидан четда қолмаслиги зарур.

Маҳаллада яшовчи фуқаролар, хусусан, "Аёллар дафтари"га кирган М. Саладинова билан мулоқотда бўлди. Суҳбат жараёнида у ижарада туриши, арзонлаштирилган уй-жой олиш ва яшаб турган уйининг ижара тўлови

риба бошқа ҳудудларда ҳам жорий қилинса, ҳам маҳалла раисининг вақти тежалари, ҳам фуқаролар билан бевосита тезкор мулоқотда бўлиш имкони яратилади.

Лекин ҳамма ҳудудда ҳам ободонлаштириш ишлари кўнгилдагидек, деб бўлмайди, айрим эътибордан четда қолаётган масалалар ҳам борлиги Турон маҳалласига борганимизда яққол кўзга ташланди. Хусусан, Амир Темуру кўчасида жойлашган 66<sup>а</sup>-сонли ва 66<sup>б</sup>-сонли икки қаватли уйлардаги 46 та хонадонда яшовчилар фойдаланадиган ҳовлида жойлашган ҳожат-

# Сирдарёда бори бошқа жойда йўқ

## ёхуд замонавий касб-хунар кластери бўлмиш бизнес акселераторни биласизми?

**O'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши томонидан “Ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш – давр талаби” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Мулоқот иштирокчилари “Сирдарё бизнес акселератор”и фаолияти билан яқиндан танишдилар.**

Ўз фаолиятини 2020 йил 24 декабрь куни бошлаган мазкур касб-хунар маркази ёшларда муҳандислик кўникмаларини шакллантириш, инновацияларга қизиқишни уйғотиш, шунингдек, ҳудуднинг ижтимоий ҳолатини яхшилашга ҳисса

ўзидан ижобий ечимини топиб боради. Бунинг учун нафақат давлат таълим муассасалари, балки мингдан зиёд нодавлат касб-хунар таълими марказларини ҳам жалб қилиш зарур.

Бу муҳим вазифани адо этишда “Сирдарё Бизнес



қилиш имкониятига эга бўлади.

Тадбир иштирокчилари барча ўқув курсларида олиб борилаётган машғулотларда қатнашдилар. Эътиборли жиҳати, бугунги кунда хунар ўрганаётган турли ёшдаги аҳоли қатламининг асосий қисми бандликка кўмаклашиш марказининг йўлланмаси билан бепул ўқитилмоқда.

Халқ депутатлари Сирдарё туман кенгаши депутати Акбарали Мирзааҳмедов, “Сирдарё бизнес акселератори” директори Файрат Хусаинов, туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳ-

нафар кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила аёлларига касб сирлари ўргатиляпти, – дейди гуруҳ раҳбари Лола Қодирова. – Улар соч турмаклаш, пардозлаш сирларни ўрганиши. Келгусида бемалол ўз бизнесини очишлари ёки уйда ўтириб ҳам ўз оилалари фаровонлигини таъминлашлари мумкин.


Пазандачилик курси бўйича фаолият олиб боратган Дилфуза Жумаеванинг фаолияти ҳам иштирокчиларда қизиқиш уйғотди.

Хуллас, “Сирдарё бизнес акселератор”га бўлган

дастурининг тўртинчи йўналиши – ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида ўз олдига ўта муҳим вазифаларни белгилаб олган, – дейди Халқ депутатлари Боёв туман кенгаши депутати Саодат Қорабоева. – Партия меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, ишсизлик даражасини қисқартиришга алоҳида эътибор қаратиб келаётгани ҳам шундан.

Хотин-қизлар ва ёшлар мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этади. Уларнинг муаммоларига ечим топиш мақсадида олиб борилаётган барча ислохотлар “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган эзгу гоя асосида амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан илгари сурилган ва бугун ҳаётимиздан тобора чуқур ўрин олаётган ушбу тамойил юртдошларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига, одамларимизнинг мамлакатимиз келажагига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга замин яраттир.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Боёв




қўшиш мақсадида ташкил қилинган. У мамлакатимиздаги илк ўқув-амалий маскан ҳисобланиши билан ҳам ажралиб туради. Муассасанинг асосий вазифаси тадбиркорлик субъектларига ўз бизнесини юритишда яқиндан ёрдам бериш, илғор ахборот технологиялари ёрдамида курслар ташкил этишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Маълумот ўрнида айтиб ўтишимиз керакки, **акцелерация – бизнесга ёрдам берамиз**, дегандир.

Мазкур марказ Сирдарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектларини ташкил этишга кўмаклашиш баробарида, уларга маркетинг соҳасида билим беради ҳамда кичик бизнес фаолиятини амалга оширишда венчур фондларини жалб қилишга кўмаклашди.

Президентимиз алоҳида таъкидлаётганидек, ёшлар ва хотин-қизларни меҳнат бозорига талаб юқори касб-хунарларга тайёрлашни тизимли йўлга қўйсақ, уларнинг муносиб иш топишига кўмаклашсак, кўплаб ижтимоий ва иқтисодий муаммолар ўз

акселератор”нинг ҳам ўз ўрни бор. Марказда бир вақтнинг ўзида 250 нафардан зиёд тингловчи ўқитилади. Ҳозирда 6 та йўналиш бўйича 165 нафар ўқувчи касб-хунар сирларини ўрганипти. Улар тикувчилик, қандолатчилик ва пазандачилик, пайвандлаш, аёллар ва эркаклар сартароши, компьютер саводхонлиги, инглиз ва рус тили саводхонлиги йўналишларига жалб қилинган.

Бир сўз билан айтганда, ушбу мажмуани **касб-хунар кластери** деб ҳам аташ мумкин. Чунки бизнес акселератор машғулотларида ҳатто боғча болалари ҳам иштирок этади. Келгусида мажмуа доирасида инновацион мактабгача таълим ташкилоти бўлиши режалаштирилган. Бу ерда таълим олганлар иш билан таъминланиши, тадбиркорлигини йўлга қўйиши баробарида улар ҳар томонлама, хусусан, молиявий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватланади. Яъни, қизиқишлари бўйича сертификат олганлар банкларга мурожаат этиб, ўз фаолиятлари учун зарур бўлган асбоб-ускуналарни кредитга харид



бари Санжар Фозиев ва бошқалар иштирокчиларга марказ фаолияти тўғрисида тўлиқ тушунча бериш баробарида барча саволларига атрофлича жавоб қайтаришди.

Жонли мулоқот ва суҳбатлардан сўнг иштирокчилар учун экскурсия уюштирилиб, улар ўқув-амалий машғулотлардан ташқари кутубхона фаолияти билан танишишди. Ўқув курслари қатнашчилари билан суҳбатлашишди.

– Сартарошлик гуруҳимизда турли ёшдаги 11

ўзига хос саёҳат нафақат иштирокчилар, балки журналистларда катта таассурот қолдирди.

\*\*\*

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш жараёни Боёв туманида ҳам изчил давом этмоқда. Ушбу ҳудудда ҳам ишга жойлашишга муҳтож аёллар ва ёшларни касб-хунарга тайёрлаш сифатини ошириш ҳар қачонгидан-да муҳим масалага айланган.

– O'zLiDeP сайловолди

тумани бандликка кўмаклашиш марказига 1 228 нафар фуқародан мурожаат тушган эди. Уларнинг 271 нафари ишга жойлаштирилди. 201 нафар ёш ва 46 нафар аёл тадбиркорлик марказларида касб-хунарга ўқитилди. 91 нафар аёл ва 43 нафар ёш йигит-қиз мавсумий ишларга жалб қилинди.

**Дилором ЭСОНОВА,**  
журналист

**Манзура ДАДАЕВА,**  
O'zLiDeP Боёв туман кенгаши аппарат раҳбари



# Юлдузларнинг онаси

**Ўзбекистон телевидениесидаги қирқ беш йиллик меҳнат фаолияти давомида қатор муаллифлик лойиҳалари билан эл назарига тушган, “Қизлар давраси”, “Ўзбегим ёшлари” телетанловлари орқали истеъдодли йигит-қизларни кашф этиб, катта ҳаётга йўллаган устоз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Лутфия Рўзиева бу йил 80 баҳорини қаршилади.**

Шогирдлари бугун мамлакат миқёсида машҳур. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Милена Матмусаева, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдорлари – Камола Эрматова, Рухсара Йўлдошева, Наргиза Раҳимова, Дилноза Ортиқова, “Ниҳол” давлат мукофоти соҳибдорлари – Фарҳод Қамбаров, Машҳурбек Раҳимжонов, Женисбек Пиязов, Наврўзбек Мамадияров, Шербек Шодиев, Шерзодбек Ортиқов, эҳ-ҳе, санаб адоғига етолмайсан киши. Ансамблнинг 45 дан ортиқ аъзоси халқаро фестиваллар иштирокчиси. Моҳир бошқарувчи, таржимон, хонандаю созанда, раққоса, бастакор, бошловчи, волонтерлар ана шу мактаб таҳсилни олишган.

– Ансамблимга иштирокчиларни эл орасидан қидираман, – дейди Лутфия опа. – Талабалар, мактабни битириб ўқишга қиролмай юрган ёшларимиз ҳам бор. Аввало, истеъдодига қараб танлайман.

Интизом жуда қатъий. Иштирокчи одоб-ахлоқли, юксак маданиятли бўлиши шарт. Бу ерда эса маънавияти ва дини тарбиялаймиз, имижини яратамиз. Юлдузлик даражасига руҳан тайёрлаймиз. Сабр ва бардошини чиниқтираемиз.

Дарҳақиқат, республика Хотин-қизлар кўмитасида ишлаганимда ансамблнинг кўрик-танловларида ҳакамлик қилиш ва дастур тайёрлашда иштирок этганман. Қатнашчилар чекмаслиги, спиртли ичимликлар ичмаслиги, беҳаё ибораларни ҳатто ҳазиллашиб ҳам ишлатмаслиги, очик-сочиқ кийинмаслиги, ортиқча бўянмаслиги, бетартиб юрмаслиги шарт эди.

Эслаيمان, бир аёл чиройли қизини олиб келди, рақсга яхши тушар экан. Дилбандини ёлғиз катта қилаётгани, келажакда машҳур санъаткор бўлишини хоҳлашини айтди. Қиз ансамблга қатнаш бошлади. Сал ўтмай, раққосалар унинг тамаки чекишидан шикоят қилишди, камига, костюмлар

хонасида чеккани учун либослардан ёқимсиз хид келадиган бўлибди.

Қизнинг айтишича, озгин бўлиши учун чекармиш. У билган барча таникли раққосалар шундай қилармиш. Қатъий оғохлантирилди. Аммо ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидек, энди бекитиб чекадиган бўлди. Яна норозилик бошланди. Шу тариқа у билан хайрлашилди...

Андижондан келган Машҳурбек Раимжонов ширали овози, рақси ҳавас қиларли бўлса-да, аммо истеъдодини намойиш этиб, телеэкранга чиқишга йўл топа олмаётган эди.

– “Ўзбегим ёшлари”-га келиб тўғри қилибсан, ўз устингда ишлайсан ва номингга муносиб машҳур бўласан, – унга далда берди Лутфия опа.

Сўнг янги шогирди билан таътилсиз ишлади. Телетанловларда иштирокини таъминлади. Машҳурбек икки йил ўтиб “Ниҳол” мукофоти соҳиб бўлди, уч йилдан сўнг “Шухрат” медали билан тақдирланди.

Иқтидорли ижодкор Камолахон Эрматова ҳам ансамблга келганида мактаб ўқувчиси эди. Оҳанрабо овозли қиз жуда чиройли рақсга тушар, бошловчилар қилар, дизайнер сифатида либос устасига ҳам ёрдам берарди. Одоб-ахлоқи билан барчанинг хурматини қозонди. Қарабсизки, “Зул-

фия”чига айланди. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида имтиёзли қабул қилинди. Президент стипендиясини олишга мушарраф бўлди.

Қорақалпоғистондан келган Женисбек Пиязов жуда тортинчоқ эди, истараси иссиқлигиданми, Лутфия опа уни ўзгача меҳр билан яхши кўрарди. Консерваториянинг бошланғич курс талабаси бир куни машғулотга келолмади. Ётоқхонасига телефон қилишганда Женисбек ошқозони қаттиқ оғриётганини айтди.

– Тезда таксига ўтириб

ёнимга кел, кира ҳақини ўзим бераман, – деди опа. Сўнг у билан келган икки талабани кафега тушлик қилгани юборди. Худди шу пайт Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида ишлайдиган шогирди кўнғироқ қилиб қолди. Сўхбат асносида опа қорақалпоқлик икки истеъдодли талаба – Женисбек Пиязов ва Гулбаҳор Аҳимбетовага ҳар томонлама кўмак зарурлигини айтди, имкон борича ёрдам сўради. Тез фурсатда уларга мадад берилди...

Бундай ҳоллар ансамбль ҳаётида бўлиб турар. Лутфия опа яхши одамларни кўмакка қақираар эди.

Бир йили ансамбль Италияга борганида Женисбек машҳур “Ла Скала” театри олдида устозига: “Дуо қилинг, дунё опера юлдузлари куйлаган мана шу юксак сахнани мен ҳам забт этай!” деб қолди. Устоз дуога қўл очди. Женисбек орадан кўп ўтмай ёруғ ниятига етди. Шунингдек, “Ниҳол” мукофоти, Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист унвонларига сазовор бўлди. Бугун бетакорор санъат соҳибининг мухлислари дунёнинг барча мамлакатларида топилди.

Гулбаҳор Аҳимбетова ҳам “Зулфия”чи, Қорақалпоғистон

халқ бахшиси, “Дўстлик” ордени соҳибаси бўлди.

...Бир куни иштирокчи ёшлар ансамблига Татьяна Зайцова деган рус қизини бошлаб келди. У Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабаси экан. Овозини эшитиб кўрди. Қонун-қонидани тушунтиргач, сеникн ўзидан сўради: “Ансамблдан ўзбекча кўшиқ айтиш керак. Қўлингдан келадими?”. Гўзал хулқи, тиришқоқлиги билан опанинг ишончини қозongan қизгина ярим йиллик машғулотлардан сўнг ўзбекча куйлай бошлади. У бугун “ВИА Шарк” ансамбли хонандаси. Ўзбек йигитига турмушга чиқиб, икки фарзанднинг онаси бўлди.

Ҳозир бу фидойи, тиниб-тинчимас аёл асос солган мактабдан чиққан йигит-қизларнинг қай бири билан гаплашманг: “Ансамблга келганимизда ҳеч вақомиз йўқ эди, ҳаваскор эдик, холос. Тақдир шундай муҳтарам устоз билан учраштиргани бахтимиз!” дейишди.

Дарҳақиқат, Лутфия Рўзиева шогирдларига умрини бахшида қилди. Кам таъминланган оилалардан бўлган ёшларга алоҳида эътибор қаратди. Вилоятлардан келганларни касал бўлиб қолганда шифохонага жойлаштириш, хориж сафарлари учун ҳар бирининг хужжатини тўғрилаш, ўзга мамлакатда хавфсизлигини таъминлаш, дунёнинг истеъдодли ёшлари билан беллашганда голиб келиш сирларини ўргатди. Гоҳида ўз оиласидан кўра уларни кўпроқ ўйлагани рост. Кумуш сочлар шу ёшлар заҳматидан. Шогирдлари ҳам ишончини оқлади.

Култур ёш арафасида Лутфия опа у билан баравар хизмат қилган ҳаммасларига, елкадошларига, саховатли хомийларга миннатдорлик изҳорини шундай билдиради: “Раҳмат мени доимо тушунганингиз, ишончингиз, меҳру муҳаббатингиз учун! Қанот бўлганингиз, изтироблар, муаммолар ичра мени ёлғиз ташлаб қўймаганингиз учун!”

**Зулфия МҮМИНОВА,**  
Ўзбекистон Ёзувчилари  
юшмаси аъзоси

# Томдан томга ток тортмайди

**Депутатларнинг маҳаллабай ўрганишлари жараёнида аҳолини кўпдан бери қийнаб келадиган муаммолар юзага чиқмоқда.**

Қизилтепа тумани “Хомработ” МФЙ аҳолисининг тур-

муш шароитини жуда ёмон деб ҳам бўлмайди. Аммо электр симларининг эскиргани, симёғочларнинг йўқлиги туфайли айримлар ўз хонадонларига электр ток кини томдан томга тортиш орқали ўтказиб олган. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида аҳоли масканлари кўркам қиёфа

касб этиб бораётган бир пайтда бу каби салбий ҳолатларнинг мавжудлиги ҳам ёлғон эмас, албатта.

Одамлар ҳаёти хавфсизлиги юзасидан мазкур масала тезлик билан ҳал этилиши керак эди. **Олий Мажлис Сенати аъзоси Улуғбек Файзиев** ҳомийлигида маҳсус техникалар ёрдамида

6 та бетон симёғоч келтирилиб, ўрнатиб чиқилди.

– Бугун халқнинг шарт-шароитига томошабин бўлиб қараб туриб бўлмайди. Бор имкониятимиз, ваколатларимиздан келиб чиқиб, ҳар қандам бир муаммони бартараф этиб бормасак, депутат ё сенатор деган номни оқлай олмаймиз, – дейди Улуғбек


Файзиев.

Керакли симёғочларнинг ўрнатилиши натижасида хомработликлар энди томдан томга ток тортмайдиган бўлди.

**Маҳлиё ПИРНАФАСОВА,**  
O‘zLiDeP Навоий вилояти  
кенгаши матбуот котиби



Мунозара ва мулоқот



## Илмий ишланмалар ва тадбиркорлик

**O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши томонидан Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда "Янги илмий ишланмаларни жорий этиш ва инновацион тадбиркорликни ривожлантириш масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

"Ёшлик" талабалар шаҳарчасида ташкил этилган мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракцияси аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон Иқтисодиёт Ассамблеяси, Экспортчилар уюшмаси мутасаддилари, маҳаллий кенгашлар депутатлари, тадбиркорлар, ёшлар, партия фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда инновацион тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш ва технологиялар трансферри юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги, Ўзбекистоннинг глобал инновацион индексдаги ўрнини мустаҳкамлаш – муҳокамаларнинг асосий мавзулари бўлди. Сўзга чиқганлар дунёда инновацион тараққиёт моделларини жорий этиш илғор ғоялар, "нау-



хау" ва смартехнологияларни экспорт қилиш ҳисобидан тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар сони тобора ортиб бораётганини таъкидладилар. Зеро, инновацион ғоялар орқали янгиликларга интилиб, фан-техника ютуқларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

O'zLiDeP Ўзбекистоннинг изчил инновацион ва технологик ривожланишини таъминлаш мақсадида ушбу соҳага оид бошқарув тизимини такомиллаштириш ғоясини илгари суриб келмоқда. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари фаолиятини тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестицияларни жалб этиш, бюджет маблағлари тасарруф қилинишининг шаффолиги, давлат мулкidan фойдаланишнинг самарадорлиги каби муҳим кўрсаткичлар асосида баҳоланади. "Рақамли Ўзбекистон – 2030" дастурини, "Интернет буюмлар" технологияларини кенг жорий қилиш, телекоммуникация инфраструктурасини янада ривожлантириш негизда мамлакат ЯИМнинг 30 фоизга ўсишига эришиш лозим, деб ҳисоблайди.

Инновацияларнинг бош манбаи, саноат ва фан, ишлаб чиқариш ва бозор ўртасидаги боғловчи бўғин, бу кичик бизнесдир. Шунинг учун ҳам партия кичик инновацион компанияларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чораларини тақдир этади. Энг муҳим вазифа – венчур корхоналар ва жамғармалар, "бизнес-фаришталар" – молиявий ва бошқа ресурсларни инновацион лойиҳаларга сарфловчи хусусий инвесторлар фаолияти, "старт-апплар" учун шарт-шароитларни яратишдан иборат. Корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ва инновацион ишларни солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантиришни кучайтириш лозим.

Тадбир давомида O'zLiDeP Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Равшан Фазилов ва бошқалар шулар ҳусусида атрафлича сўз юритишди.

**O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати**

## Давлат тили тўғрисидаги тарихий қонун маънан эскирдими?

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Дониёр Ганиевнинг ёзишича, кеча парламент қўйи палатасида "Давлат тили тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Иккинчи ўқишда тақлиф этилаётган лойиҳада "Давлат тили тўғриси"да янги қонун сифатида қабул қилиш ва 1989 йил 21 октябрдаги тарихий қонунни бекор қилиш тақлиф этилган.**

"Миллий тикланиш" партиясининг баъзи аъзолари қонунчилик техникасини рўқач қилиб, лойиҳани янги қонун тарзида қабул қилиш тақлифини маъқуллашди, лекин либераллар қарши чиқишди. Овоз бериш натижаларига кўра, яхшиямки, ушбу тақлиф депутатлар томонидан маъқулланмади. Палата спикери қонун лойиҳаси муҳокамасини вақтинча тўхтатиб, қайта кўриб чиқиш учун кўмигага қайтарди.

Кейинги йилларда матбуотда 1989 йили қабул қилинган "Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида"ги қонун ташаббускорлари, "меъмор"и, уни ёзган одам дея фалончи-пистончиларнинг исмлари айланмоқда. Лекин қайта қуриш даври матбуот саҳифаларидан шу мавзунини анча йиллардан бери ўрганишларим натижасида эски тарихда ўша казо-казолар исмини деярли учратмадим.

Биринчи раҳбар даврида қайта қуриш ва Мустақиллик йиллари

қабул қилинган Грузия ССР Конституциясига грузин тили расмий равишда давлат тили деб қилинган. 1978 йили қабул қилинган Арманистон ССР Конституциясининг 72-моддасида арман тили, 1978 йили қабул қилинган Озарбойжон ССР Конституциясининг 73-моддасида озарбойжон тили давлат тили экани таъкидланган. Ўзбекистондан аввал Эстония, Литва, Латвия, Тожикистон (1989 йил, 22 июль), Молдавия (1989 йил, 1 сентябрь), Қозоғистон (1989 йил, 22 сентябрь), Қирғизистон (1989 йил, 23 сентябрь) давлатлари ҳам ўз миллий тилларига расмий мақом берган. Украинлар биздан 7 кун кейин (1989 йил, 28 октябрь), белоруслар 1990 йил 26 январь куни, туркманлар 1990 йил 24 май куни ўз миллий тилларини қонунлаштирган.

Авалроқ Болтиқбўйида эришилган миллий тил тантанаси Ўзбекистондаги жараёнга катта тўртки берган. Ўша даврнинг



тарихи исталганча ёзилди, хоҳлаганча ўзгартирилди. Ваҳоланки, ўша тарихни ўз кўзи билан кўрган, шиддатли жараёнларда иштирок этган зиёлилар ҳали тирик (афсус, кўплари вафот этди). Тарихчилар ўша давр, жумладан, давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши жараёни бўйича ҳам ҳаққоний воқеликни ёзмаса, бу миллатга хиёнат ҳисобланади. Қонун ташаббускорлари кимлар эди? Кимлар қарши эди? Кимлар фикрини ўзгартирганди? Қонун қай тарзда қабул қилинди?

Халқимиз булар ҳақида билишга ҳақли.

Ўзбекистон собиқ СССР республикалари орасида биринчи (ёки биринчилардан) бўлиб ўз миллий тилига Давлат тили мақомини берди деган иддао тил ҳақидаги мақола ва мулоҳазаларда жуда кўп учрайди. Бу – янглиш маълумот. Аслида охиригилардан бўлиб деса ҳам бўлади. Масалан, 1922 йили

кўзга кўринган деярли ҳар бир зиёлиси бу ҳақда фикрини билдирган. Хукуматга яқин зиёлилар расмий идорадан бирор аниқ муносабат чиққунча сукут сақлаб, сўнг жараён тезлашгани, бошқа республикаларда бу ҳолат ижобий яқун топгани, аксарият халқ ва зиёлилар мазкур қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлагани учун гапира бошлаганлар. Айримлари аввалроқ бу қонун лойиҳасига қарши чиққан ёки рус тилини ҳам қўшиш (ёки алоҳида статусда киритиш) тарафдори бўлган бўлса, охиригилар босқичда фикрини ўзгартирган.

Бугун айрим депутатлар тақлиф этган "Давлат тили тўғриси"даги янги қонунни қабул қилиш эса абсурд ҳамда тарихий ҳақиқат юзига оёқ қўйишдир. Зеро, бу қонун Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигига қўйилган дастлабки устун эди.

**Давронбек ТОЖИАЛИЕВ**

# “МЕН НЕ ДЕЙМАН, ҚЎБИЗИМ Ёхуд Хоразм вилоят мактабгача таълим тарқатган мужмал расмий муносабат

ASR

Тўғриси, ижтимоий тармоқларда тарқатилган бу расмий муносабатни ўқиб, кулишимизни ҳам, йиғлашимизни ҳам билмай қолдик. Узундан узун чўзилган расмий муносабат газетамизнинг 2021 йил 10 март сонидан чоп қилинган “Шошма-шошарлик билан чиқарилган буйруқ имконияти чекланган болажонларни кўчада қолдирди” сарлавҳали танқидий мақоламизга расмий жавоб тариқсидан ёзилганди.

Расмий жавобни ўқиб, хаёлимизга келгани шу бўлди: “Хоразм вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи Ирода Ёқубова ўша мақолани ўқиганмикан ўзи?”

Тўғри-да! Агар ўқиган бўлганида... халқ матали билан айтганда, биз тоғдан, у боғдан келмасди!

Мақолада шошма-шошарлик билан чиқарилган бу буйруқ тўғрисидаги камчилиги бўлган, яъни имконияти чекланган болалар мактабгача таълим ташкилотларидан мусово қилинган, узоқ йиллардан буён вилоятда фаолият юритиб келаётган 17 та ихтисослашган мактабгача таълим ташкилотларидан 10 таси тугатилиб, улар оддий боғчаларга айлантирилгани ҳақида гап борарди. Янада ачинарлиси, вилоятнинг энг узоқ туманларидаги шундай муассасалар тугатилгани боис ота-оналар ногирон болаларини вилоят марказидаги махсус таълим ташкилотларига олиб боришга имконлари йўқлигидан норози эканликлари ҳақида ёзгандик.

Мазкур буйруқ ижроси таъминланиши жараёнида кўпгина масалалар эътиборга олинмаган, ҳатто Вазирлар Маҳкамасининг низомига мутлақо зид ишлар қилингани сабаб танқидий чиқишимизга расмий жавоб излаб Мактабгача таълим вазирлигига юборган хатимизга мана бир ойдан ошдики, жавоб йўқ! Бу ёқда эса... ўша расмий муносабат “лоп!” этиб чиқиб турибди.

Каттагина ташкилот мутасаддилари томонидан тайёрланган расмий муносабатда танқидий чиқишимиздаги эътирозлар, ота-оналар, тарбиячилар фикрларига кўз юмлади ва вазир томонидан чиқарилган буйруқ ҳимоя қилинади, холос. (Ўша буйруқ ҳақида батафсил маълумот берилди). Гўё ҳаммаси тўғри қилинган.

Вазир буйруғида ихтисослашган МТМларни такомиллаштириш ҳақида гап боради. Нуқсонли болалар сони, ота-оналарнинг розилиги ва имконига қараб, қайсиларини тугатиш ва қайсиларини қолдириш буйича таклифлар сўралади. Буйруқ ижросини таъминлаш учун Хоразм вилоят мактабгача

таълим бошқармаси ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси вазиятни ўрганмай, тўлиқ баҳоламай... масъуллар кабинетда ўтириб, ўз таклифларини беришганки, деярли барча чекка туманлардаги шундай даргоҳлар тугатилган. Яна фаолият

фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (391-сонли) қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган низомнинг 32-бандига мувофиқ мактабгача таълим ташкилотларидаги ўқув жараёни жорий йилнинг 2 сентябидан кейинги йилнинг 31 майгача бўлган даврни ўз ичига олади, деб белгиланган. Мазкур қарорнинг 3-илоvasи билан тасдиқланган “Кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисида”ги низомнинг 18-банди 2-қисмига кўра ихтисослаштирил-

хайрон қолдирди.

Бизлар ҳоким қарорини ушбу асосларга кўра ҳақиқий эмас деб топиш буйича Урганч туманлараро маъмурий судига даъво аризаси киритдик. Ҳақиқат қарор топар, суд ҳукумат қарорини ҳимоя қилар деб ўйлагандик. Афсуски, судья Т. Юсупов аризамизни “кўриб чиқиб” рад қилди.

Нима дейишгайм хайронмиз!”

Ф. Отаназарова шаҳар ҳокими томонидан чиқарилган қарорга асосан 6-сон ихтисослашган МТМ нотўғри тугатилган, барчаси қону-

қармалари фаолият юритиб келаётган 17 та ихтисослаштирилган МТМдан қайсилари қолиши ва қайсилари умумий турдаги айлантирилиши буйича таклиф ва тавсия беришган.

Ушбу тавсия ва таклифдан парча:

“Урганч натижаларига кўра, Урганч шаҳридаги 5, 6-сон, Хива шаҳридаги 6-сон, Қўшқўйир туманидаги 27-сон, Ҳазорасп туманидаги 1, 6-сон, Хонка туманидаги 5, 11-сон,



анча оширилганид Яна бир қизиқ ҳолат: Тугатилган МТМлар мудируларнинг телеграм мессенжери юборилган Хоразм вилоят тиббий-психологик-педагог комиссия йиғилишининг баёнотисидан “Умумий турдаги давлат мактабгача таълим ташкилотига айлантирилган кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилотларида соғломлаштирилиб, таълим-тарбия олиб келаётган болаларнинг рўйхатини шакллантириш ҳамда ушбу рўйхатдаги болаларни ота-оналарнинг хошидан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг (?) 1 феврели-

## Шошма-шошарлик билан чиқарилган буйруқ

### имконияти чекланган болажонларни кўчада қолдирди

Новот туманидаги 19-сон, Инглик туманидаги 1-сон жами 10 та ихтисослаштирилган МТМлардаги шарт-артилар етарли даражада тас ёки турлари тўғри ташкил лимдан. Ушбу МТМларни

вилоят марказидан деярли икки юз чакирим олис масофада жойлашган Тўпроққалъа тумани худудидеги шундай нуқсонли болажонлар тақдирини нима бўлади? Еки чекка худуд хисобланади.

“Вазирлик, бошқарма, бўлим буйруқлари ҳамда Урганч шаҳар ҳокимининг 2021 йил 18 январдаги (99 к-сонли) қарори ноқонуний тарзда, мавжл

лоятдаги шу турдаги энг кекса даргоҳ хисобланади. Унинг фаолият бошлаганига ярим

га қадар ўз мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланиб

тини давом қилдирадиган ихтисослашган МТМлар жисмоний ва руҳий камчилиги бўлган болаларни тўлиқ қамраб олишни назарда тутмайди. Бу эса... ногирон болалар кўчага улоқтирилди, дегани.

Энди Урганч шаҳридаги 6-сон кўп тармоқли ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти ота-оналар кўмитаси раиси Фотиима Отаназарованинг куончаклик билан айтаётган гапларига қулоқ солайлик: “Менинг фарзандим ҳам 6-сон МТМда таълим-тарбия олиб, даволаниб келаётганди. Бошқа юзлаб жисмоний ва руҳий нуқсонли бор болажонлар каби. Кутилмаганда вазир буйруғи чиқди-ю ҳаммаси ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Кўп йиллардан буён ишлаётган тарбиячилару шифокорлар аксариро йўлда қолдилар. Энг ёмони, болажонларга қийин бўлди.

Вазир буйруғи ноқонуний чиқарилганди. Сабаби, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари

ган мактабгача таълим ташкилоти ва қўшма типдаги мактабгача таълим ташкилоти ўқув йили тугаганидан кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ёки тугатилади, деб қатъий белгиланган. Ваҳоланки, вазир ушбу низомни бир пулга олмасдан, ўқув йили ярмида шунча МТМларни тугатиш ҳақида буйруқ чиқарган.

Мазкур қарор билан тасдиқланган 3-илоvанинг 16, 17-бандларида ихтисослашган мактабгача таълим ташкилоти ёки қўшма типдаги МТМлар ташкил этиш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Жўржорги Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан қабул қилинади, деб кўрсатилган.

Ваҳоланки, бизнинг ихтисослашган 6-сонли МТМни тугатиш ва оддий тартибдаги ташкилотга айлантириш буйича Урганч шаҳар ҳокими 2021 йил 18 январь куни қарор (99к-сонли) қабул қилди.

Вазир ҳоким ҳукумат қарорини эътиборга олмагани ҳаммамизни

ний ҳал қилиниши керак эди, деб ҳисоблайди. Ваҳоланки, бундай қонунни бузиш ҳолати ягона эмас. Бошқа туманларда фаолият юритиб келган ихтисослашган МТМлар ҳам айнан шу туманлар ҳокимлари қарорлари билан тугатилиб, фаолият тури ўзгартирилган.

Бу нима? Билмадик. Наҳотки, ҳокимлар ҳукумат қарорини биллишмасе? Билган бўлсалар... унга қасддан риоя қилишмасе! Адолатни қарор топтириши керак бўлган судья эса... ожизлик қилса.

Расмий муносабатда ажратиб кўрсатилган ҳарфларда ёзилган сатрлар эътиборимизни тортиди: “Хоразм вилоят мактабгача таълим бошқармаси барча ота-оналарга шуни маълум қиладики, Урганч шаҳрида шу пайтгача фаолият олиб борган 5 та ихтисослашган мактабгача таълим ташкилотларидан 3 таси ўз фаолиятини давом қилдиради. Ривожланишда нуқсонли бўлган болаларнинг барчаси Урганч шаҳридаги қолган 3 та – 22, 26 ва 37-сон

# НЕ ДЕЙДИ?!"

## бошқармаси хусусида

ихтисослашган мактабгача таълим ташкилотларида ташкил этилган янги гуруҳларга йўналтирилади".

**Шунисиғаям раҳмат! Урганч шаҳридаги ривожланишда нуқсонли бўлган болалар қолган МТМларга боришар, аммо икки юз чақирим масофада жойлашган Тупроққалъа, шунингдек, эллик чақирим узокликдаги Ҳазорасп туманларидаги нуқсонли болажонлар қаерга борадилар? Янгиариқ туманидагилар-чи? Ахир шу туманлардаги ихтисослашган МТМлар ҳам тугатилди-ку!**

Бошқарма бошлиғи И. Ёқубова ё фақат вилоят марказида яшовчи болаларни ўйлаётимикан?

Яна бошқа арзу додларни ҳам эшитайлик.

**Меҳрибон Йўлдошева:** "Ўғлим Қаландар жисмоний нуқсонли. Ўтган йил декабрь ойида уни 6-сон МТМга олиб келгандим. Шифокорлару тарбиячиларнинг меҳрибонлиги, тўғри даволашлари натижасида соғлиғи тиклана бошлаганди. У доимо дефектолог қаровига муҳтож эди. Бу ёқда ана шу МТМни тугатишди. Барча талабларга жавоб берадиган МТМ ҳамда шифокору тарбиячиларга ўрганган болам бошқа жойга боришни истамапти. Бошқа ота-оналар каби ўғлимни ноилжликдан шу ерга олиб келаялман. Бизнинг дардимизни эшитадиган одам борми?"

Бундай изтиробли сўзларни бошқа ота-оналар, жумладан, умрини имконияти чекланган болалар соғлиғини тиклашга бағишлаган ва бугун содир бўлган адолатсизликдан зада бўлган Нодира Машарипова, Адолат Аллаберганова ва бошқалар ҳам айтишяпти.

Янгиариқ туманидаги 1-сон МТМ раҳбари, ҳаётининг эллик йилини шу соҳага бағишлаган фидойи инсон Дурдипошша опа Собирова шошма-шошарлик билан чиқарилган бундай буйруқларнинг салбий оқибатини шундай изоҳлайди: "Муқаддам бизнинг ихтисослашган МТМда тарбия олаётган, даволанаётган болажонлар ҳужжатларини вилоят марказидаги ўз фаолиятини давом қилдирадиган МТМларга олиб кетишди. Аммо ҳозир 33 нафар имконияти чекланган болажонларни махсус гуруҳларда

тарбиялаб, парваришляяпмиз. Сабаби, уларни Урганч шаҳридаги ихтисослашган МТМларга олиб бориш ва олиб қайтиш ота-оналар учун осонмас. Биз фарзандлари соғлиғи учун қайғураётган ота-оналарни тушунамиз, аммо масъуллар буни тушунмаяпти-да. Ўша болаларни Урганчга юбориш бўйича босим ўтказишяпти"...

Энг ажабланирлиси, аллақачон тугатилган (аслида нотўғри тугатилган) МТМларда ҳамон нуқсонли бор болалар тарбияланыпти. Ота-оналари уларни олиб келишяпти. Негаки, Ҳазорасп ёки Янгиариқ туманидан шунча йўл босиб, Урганчдаги ихтисослашган МТМга олиб келишга уларнинг имконлари йўқ. Урганч шаҳридаги 6-сон МТМда ҳам аҳвол шу.

Бугун аксар тури ўзгартирилган МТМларда нуқсонли ва соғлом болалар аралаш тарбияланмоқда. Бошқарма бошлиғи И. Ёқубовани эса бу ҳолат ҳам мутлақо қизиқтирмайди. У вазир буйруғини бажаришнигина билади, холос.

Адлия вазирлиги муассислигидаги "Инсон ва қонун" газетасининг вилоятдаги мухбири Урганч шаҳридаги 6-сон МТМ ходимлари аризаси бўйича журналистик суриштирув ўтказган ва барча ҳолатлар ўз тасдиғини топгани учун ноқонуний ҳолатларни барҳараф этиш борасида Мактабгача таълим вазирлигига мурожаат қилган. Лекин бу газета мурожаатига ҳам ушбу вазирлик ҳамон сукут билан жавоб қайтармоқда.

Хуқуқий-демократик давлатда яшашимиз. Қонун устуворлиги таъминланиши доимо Президентимиз назоратида.

Яна бир бор эслатиб қўймоқчимиз: қонунга итоат қилиш барча учун мажбурий! Демакки, вазир А. Шин, Хоразм вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи И. Ёқубова, Урганч шаҳри ҳокими О. Холбоев ва судья Т. Юсупова ҳам!

**ДАРВОҚЕ:** ушбу мақола тайёрланаётган пайтда Хоразм вилояти ҳокими Фарҳод Эрмановнинг журналистлар билан ўтказган матбуот анжуманида ҳам ушбу масала кўтарилгани, ҳоким юзага келган вазиятни ўрганиш учун комиссия тузгани ҳақида хабар олдик. Ишонимизки, чуқур ўрганилмасдан чиқарилган ушбу буйруқлар туфайли юзага келган вазият ўз ечимини топади – имконияти чекланган болалар кўчага ташлаб қўйилмайди.

ТАҲРИРИЯТ



## Оила хўжакўрсинга қурилмайди

**...Эрталаб уйқум қочгани боис "Zo'r TV" да намойиш этилаётган "Ёр ёр" кўрсатувини қани қандай экан, деб атайлаб кўрдим. Умуман олганда, лойиҳа ёмонмас. Турли хил тақдирлар, ҳар хил хулосалар. Биттагина одам сабоқ чиқарса, бажрина юртдошимиз бахтли бўлса, "Ёр ёр" ўз вазифасини бажарган бўлади. Бирни кўриб шуқр қил, бирни кўриб фикр қил, дейдилар-ку.**

Бугунги кўрсатувдан олган хулосам: бизда ҳеч ким оила нима, деган тушунчага эга эмаслигини, туйғулар ривожланмай қолганини яна бир бор англадим. Эътибор беринг: 36 ёшли йигит икки боласи билан ажрашган. Номзодлар уч нафар – 27 ёшли жувон, ажрашган, битта фарзанди бор, иккинчиси турмушга чиқмаган. Яна биттаси 21 ёшда, вояга етмасдан, яъни 15 ёшида эрга теккан ва 16 ёшида она бўлган(?)!

Тўрт нафар иштирокчи ҳам оила нима ўзи, деган саволга бахтли бўлиш, деди. Энди яна савол туглади: хўш, қандай қилиб бахтли бўлиш мумкин, агарки икки инсон бир бири учун яшамаса!

Уйланмоққа чоғланаётган йигитнинг тақдирини қаранг: хотини билан уй ишини эпломлагани(?) учун ажрашганмиш, 21 ёшли қизнинг нега ажрашгани ҳам мавҳум, яна бир фарзандли аёл давлат ишида ишлагани боис рўзгорни урдалай олмасди ва оила барбод бўлибди.

Йигитнинг гапини эшитинг: уйландиган аёлим онамнинг хизматида бўлиб, рози қилса, болаларим келганида кучоқ очиб кутиб олсин, дейди. Анави ажрашган аёллар эса бу одам фарзандимизга чин оталик қилса розиман, кўчада қолмасам бўлди, деб ўтирибди. Кўрсатувда экспертлик қилаётган Омина холамиз эса ҳалиги эркакка қараб, агар бу аёлнинг боласини чин дилдан яхши кўрсангиз, бизнинг чўрингиз бўлади, деворди.

Ишонинг, ўша 36 ёшли кап-катта эркакдан тортиб, 21 ёшли қизгача, бирортаси ҳали оила қуришга тайёр эмас, вассалом!

"Бўлажак турмуш ўртоғингиз қандай сифатларга эга бўлиши керак?" деган саволга бор-йўғи яхши дейишдан нарига ўтишолмади улар. Тушундимки, буларнинг бари ўткинчи манфаатлар эвазига турмуш қурмоқчи, холос. Илк марта уйланиб,

эрга текканда ҳам булар ана шундай манфаатлар қулига айланиб, катта хато қилишган. Яна кўр-кўрона ўша хатони такрорлашяпти.

Шахсан мени ажаблантирган томони, уйланмоққа чоғланган эркакнинг навнихол, 21 ёшли, балки чиройли бўлгани учунми, ёш қизни танлаганидир. Бу қиз, ҳали ўқиш ё хунар ўрганиш ҳақида ҳам қайғурмасдан, қариб қолган кампирдек, ўйлаб ҳам ўтирмади ва ўзидан 15 ёш катта одамга хўп деворди. Мақсади битта, кўчада қолмаси бўлди. Ана холос, куласизми, куясизми?

Оила қурганлар қачон бахтли бўлади, қачонки, икки тараф кимлардир учун эмас, балки бир бири учун яшасагина, бахтли, тахтли бўлиши мумкин. Бир бирини севган, эъзозлаган, қадрлаган эр ёки аёл унинг онаси ва фарзандини ҳам сева олади, меҳр бера олади...

Бу кетишда ҳалиям ва ҳеч қачон қутула олмаимиз, хотинни, келинни фақат чўрилиги, хизматкорлиги учун, эрни таъминлаб қўйгани учун (қадрлаш ва ёқтириш эмас) шунчаки яшаш керак деган тушунчалардан. Ҳали-вери қутулмасак керак, аризмаган, майда-чуйда, рўзгор юмуши, бойлик сарпо-суруқ деб болаларимиз тақдирини бир пулга олмай тирик етим қилишлардан. Минг афсуски, юртимизда ана шундай бемаъни, аҳмоқона мақсад ва манфаатлар устига қурилган ва қурилаётган, бахтсиз, сонда бор, аммо сифати йўқ оилалар тикилиб ётибди. Шунинг учун ҳам ажримлар кўп, йил сайин ошяпти ҳам. Шунинг учун бемехр фарзандлар кўп, қотилликлар сони кўпаймоқда, хиёнатлар беҳисоб. Ўзларини хўжакўрсинга бахтли кўрсатиб, ботинан бахтсиз яшаётганларни-ку айтмай қўя қолайлик.

Барно СУЛТОНОВА,  
журналист



# Суғуртачи бўлиш учун



**KAFOLAT**  
SUG'URTA KOMPANIYASI AJ

## қизиқишнинг ўзигина кифоя эмас

■ “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” акциядорлик жамиятида республикамиздаги олий ўқув юртлири талабалари учун очиқ эшиклар кунлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Навбатдаги тадбир Тошкент давлат иқтисодий университетини ҳамда Тошкент молия институтини суғурта иши йўналишида тахсил олаётган талабалар учун ташкил этилди.

билим, тажриба ва, албатта, хизматлар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш талаб этилади.

Шу боис тингловчиларга бўлажак фаолиятларида мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор беришлари уқтирилди.

Урашув аввалида иштирокчиларнинг соҳа ҳақидаги тасаввурларини бойитишга эътибор қаратилди. Дунё суғурта бозори, суғурта янгиликлари, афзалликлари, хусусан, “KAFOLAT sug'urta kompaniyasi”нинг мамлакатимиздаги ва халқаро бозордаги ўрни хусусида тушунтирилди.

Суғурта ўзи нима, қайта суғурта-чи? Қайта суғуртанинг мақсади, иштирокчилари, миллий қайта суғурталовчилар, кирувчи ва чиқувчи қайта суғурта, қопламалар ҳақидаги батафсил



сабоқлар толиби илмларда катта қизиқиш уйғотди. Мутасаддилар тизимга жорий қилинаётган ахборот-коммуникация технологиялари, компания тақдим



этаётган суғурта хизматлари ва суғурта ҳодисаси юз берганда амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида ҳам батафсил ахборотлар беришди.

Шундан сўнг очиқ мулоқот ва савол-жавоблар қизгин тус олди. Маълум бўлдики, ёшларда соҳага қизиқиш жуда юқори. Аммо тан олиш жоизки, мазкур йўналишда ҳаваснинг ўзи етарли эмас. Суғуртачи бўлиш учун, энг аввало, юксак одоб-ахлоқ, пухта

Бир сўз билан айтганда, бу каби тадбирлар ёшларни суғурта соҳасига қизиқтириш билан бир қаторда улар орасидан юксак билимли ва интеллектуал қобилиятлиларини саралаб, меҳнатга жалб қилишга ҳам хизмат қилади.

**Меҳрибону РАЙИМЖОНОВА,**  
“KAFOLAT sug'urta kompaniyasi” AJ  
матбуот хизмати ходими



Хизматлар лицензияланган.



MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**XXI** ASR  
IQTISODIY-SIVOSIY GAZETA  
HAFTALIK NASHR

**Бош муҳаррир**  
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрират манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@umail.uz  
xxi\_asr@yandex.uz

Телефонлар:  
қўриқовона – 71 215-63-80  
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими – 71 255-08-50.

“XXI asr” iqtisodiy-sivosiyy gazetasi  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигинда 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:**  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-3 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.  
Буюртма рақами: Г – 451 Тираж: 3527  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Топширилди – 18:20

Тахриратга келган қўлималар тақрир қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга мана бу сифатда газета номи курсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.  
Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда дизайнёр

**Маъруфжон Раҳмонов**  
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2343-497X



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406  
123456

Набатчи муҳаррирлар:  
Нурулхон ЗИМИРЗАЕВА,  
Беҳнод ИСРОИЛОВ

**Тахрир хайъати:**  
Ақтам ХАЙТОВ  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Шухрат БАФОВЕВ  
Мавлуда ХУЖАЕВА

Сирожиддин САЙИДИ  
Аҳмад ШОДМОНОВ  
Виктор ПАК  
Насимжон АЛИМОВ

Фаррух ЖАББОРОВ  
Бош муҳаррир ўринбосари